

мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш эҳтиёжларини узоқ муддатли режалаштириш таъминланмоқда, балки мамлакатнинг, фундаментал ва амалий фаннинг инновацион ривожланиши рўй бермоқда, бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун шароитлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, ДХШ-айнан давлатнинг ресурсларини тежаш ва бюджет юкламасини пасайтириш, хусуси секторларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро келишув механизмидир.

Фикримизча, олий таълим муассасасида ДХШ – исталган бир олий ўкув юртининг у ёки бу харажатларини оптималлаштириш, бўш турган бино ва ерларидан самарали фойдаланиш, аутсорсинг, концессия ёки бошқа кўринишдаги хусусий сектор имтиёзлридан оқилона фойдаланиш мақсадида тўғридан-тўғри ёки билвосита амалга ошириладиган ҳамкорлик шакли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

Case Studies of Public-Private Partnerships for Transportation Projects around the World // DMJM HARRIS, AECOM Consult, Inc - 2007. - 158 с.

The World Bank / Всемирный Банк - World Bank Infrastructure Governance Roundtable / Круглый стол Всемирного банка по инфраструктуре государственного сектора [Электронный ресурс]. - Режим доступа:

<http://siteresources.worldbank.org/INTTRANSPORT/Resources/336291-1152714163458/2744896-1153140803155/UK-PPPBeazleyLong-OnYeeTai.pdf>.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ

Ш.К.Курбаниязов, и.ф.ф.д. (PhD)
*Таълимни ривожлантириши Республика
илмий-методик маркази*

Корпоратив бошқарув модели - бу корпоратив тузилма томонидан ички (акциядорлар ва корпоратив тузилма раҳбарияти) ҳамда ташқи (инвесторлар, шериклар, мол етказиб берувчилар, кредиторлар ва х.к.) манфаатдор томонлар ўртасида қурилган ўзаро муносабатларнинг яхлит бошқарув тизими ҳисобланиб, иштирокичлар манфаатларини етарли даражада қондириш натижасида корпоратив тузилманинг самарали ривожланишида бошқарув усулларининг мажмуаси.

Корпоратив бошқарув тизимларини таснифлашда корпоратив бошқарувнинг маълум механизмларининг мавжудлиги/йўқлиги ёки уларнинг самаралилик даражаси емас, балки турли мамлакатларда бизнес юритишнинг корпоратив шаклининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Шундай қилиб, адабиётда корпоратив бошқарувнинг қўйидаги моделлари ажратилган:

- Англо-америка (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва Янги

Зеландия);

- немис (Марказий Европа - Германия, Австрия, Нидерландия);
- япон (Япония) - оила, ёки оилавий капитализм (Осиё, Лотин Америкаси, Швеция, Италия, Франция);
- ислом шариати талабларига асосланган давлатлардаги ислом модели (БАА, Саудия Арабистони, Қатар, Эрон Ислом Республикаси ва бошқалар).

Юқорида кўриб ўтилган корпоратив бошқарув моделларининг мулкчилик шаклидаги концентрацияси тамойиллари, ривожланиш хусусиятлари ва корпоратив молиявий муносабатлардаги ўрни ва ҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда, уларни тизимлаштиrsак қуидагича ифодаланишимиз ўринли бўлади:



1-расм. Корпоратив бошқарув моделларининг умумий таснифи¹¹⁷

Корпоратив бошқарув моделларининг умумий таснифидан келиб чиқсан, англо-америка корпоратив бошқарув модели акциядорлар мулки концентрациясининг паст даражасини назарда тутади. АҚШнинг иқтисодий ривожланиш даражаси мамлакатдаги тижорат банкларига эмас, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш суръатларига боғлиқдир. Шунингдек, корпоратив тузилмаларининг ҳақиқий бозор қиймати бевосита унинг бошқарув сифатига боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, инвесторларни корпоратив бошқарув моделининг самарадорлигига бўлган қизиқишини оширади. Молия бозори бошқарув самарадорлигини назорат қилишнинг қўплаб механизмларини назарда тутади:

- молиявий ҳисоботларни рўйхатга олиш, тайёрлаш ва ошкор қилиш;
- корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш учун маҳсус талабларни белгилайди;
- қўшилиш/қўшиб олиш операцияларини назорат қиласи, аммо шунга қарамай, индивидуал аксиядорлар сақланиб қолади.

Бир бўғинли ҳисобланган англо-америка корпоратив бошқарув модели акциядорлар йиғилиши, директорлар кенгашидан ташкил топади. Акциядорларнинг йиллик йиғилиши корпорациянинг энг юқори турувчи бошқарув органидир. Шу билан биргаклида, мулкчиликнинг тарқалганлиги сабабли бошқарув фаолиятини мониторинг қилиш функциясидаги асосий қисм директорлар кенгашига зиммасида бўлади. Директорлар кенгаши ташки (мустақил) ва ички (бошқарувчи) директорлардан ташкил топиб, аксиядорлар йиғилиши томонидан сайланади ҳамдпа ва унга ҳисбот тақдим этади. Ички директорлар бир вақтнинг ўзида компаниянинг бошқарувчи менежерлари

¹¹⁷ Муаллиф ишламаси.

хисобланади. Мустақил директорлар компания раҳбарияти билан ҳам, контрагентлар ёки филиаллар билан ҳам ҳеч қандай алоқада бўлмайлиги талаб этилади. Бу уларнинг фикр ва мулоҳазаларининг мустақиллигини кафолатлайди. Компаниянинг бош директори директорлар кенгаши томонидан тайинланади ва кўпинча уни бошқаради. Директорлар кенгаши аъзоларининг умумий сони компаниянинг ҳажмига боғлиқ бўлиб, ташқи директорларнинг улуши еса директорлар кенгаши аъзолари умумий сонининг 50 фоизидан кўп бўлмаган (лекин камида 1 киши) ни ташкил қиласди.

Корпоратив бошқарувдаги немис модели англо-америка моделидан фарқли жиҳати шуки – корпоратив тузилма устав капиталининг, асосан, тижорат банклари, инвестиция, суғурта компанияларидаги юқори концентрациясиdir. Бунга асосий сабаб – Германия фонд бозорининг паст ликвидлилик даржасидир. Шу сабадан ҳам жисмоний шахслар ўз маблағларини жамғарма кўринишида банклардаги омонатларда сақлайди. Тижорат банклари аҳолининг бўш турган пул маблағларини тўплаш орқали корпоратив тузилмаларни бошқаришга даражада сезиларли таъсир этади. Сабаби, улар тижорат банкларига қўпроқ молиявий жиҳатдан қарам бўлади. Яъни, корпоратив тузилмаларга тижорат банклари кредитлар ажратади ва фонд биржасида уларнинг қимматли қоғозларини сотиб олади, тўғридан-тўғри/бильвосита акциядорларига ҳам айланиши мумкин. Тўғридан-тўғри/бильвосита акциядорларига ҳам айланишда ажратилган кредитларга гаров таъминоти сифатида овоз берувчи акцияларни сотиб олиш, бунда акциялари банкда ишончли бўлган жисмоний шахслар номидан овоз бериш орқали таъсир кўрсатиш мумкин. Шу муносабат билан банклар учун корпоратив бошқарувдаги ушбу модельнинг сифати муҳим аҳамиятдилар.

Немис моделининг муҳим хусусияти шундан иборатки, корпоратив тузилманинг муҳим қарорларини қабул қилишда ходимлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг муҳим иштироқидир.

АҚШ ва Германиянинг ривожланиш даражасига турлича эканлигига қарамасдан, ҳар икки ривожланган мамлакатда ҳам XX асрга қадар акциядорлик ҳуқуқини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий тизим ўрнатилмаган. Жумладан, АҚШда индивидуал қонунлар штатдан штатга, Германияда штатдан штатга фарқ қилган. Ammo, АҚШда асосий тартибга солиш институти сифатида фонд биржаси – NYSE, Nasdaq фаолияти бирламчи бўлса, Германияда тартибга солиш ҳамда назорат молиявий бозорларни тартибга солиш бўйича Федерал хизмат ҳисобланган давлат институтлари томонидан амалга оширилган. Шунингдек, глобаллашув жараёнида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг етакчи фонд биржалари жаҳон капитал бозорини шакллантиришдаги ўрни муҳим бўлди. WFE (Жаҳон биржалар федерацияси) нинг 2022 йилдаги ҳисоботига кўра [1], АҚШ, Буюк Британия, Европа, Хитойдаги фаонд биржалари бозор капиталлашуви бўйича биринчи ўнталикка киради.

1-жадвал

Дунёдаги йирик фонд биржаларининг капитализацияси бўйича ТОП-10талиқ рейтинг [2]

№	Фонд биржалари номи	2022 йил, млн. АҚШ доллари	2021 йил, млн. АҚШ доллари	Фарқи (2022/2021), %
1.	Nasdaq - US	16 237 594,4	24 557 074,0	-33,9
2.	NYSE	24 060 385,9	23 991 464,2	0,3
3.	Shanghai Stock Exchange	6 724 470,9	8 154 689,1	-17,5
4.	Euronext	6 064 467,4	7 333 653,4	-17,3
5.	Japan Exchange Group	5 380 475,5	6 544 303,5	-17,8
6.	Shenzhen Stock Exchange	4 700 872,1	6 219 831,2	-24,4
7.	Hong Kong Exchanges and Clearing	4 566 809,1	5 434 177,1	-16,0
8.	National Stock Exchange of India	3 387 366,7	3 548 018,5	-4,5
9.	LSE Group London Stock Exchange	3 095 983,4	3 799 459,2	-18,5
10.	TMX Group	2 744 719,7	3 264 137,4	-15,9
Жами:		76 963 145,10	92 846 807,60	-20,6
Жаҳон биржалар федерациясидаги биржалар умумий капитализациясидаги улуси,%		76,06	76,94	-0,88

Унга кўра, дунёдаги йирик фонд биржаларининг капитализацияси бўйича ТОП-10талиқ рейтингидан жой олган биржаларнинг жами капитализацияси ҳажми Жаҳон биржалар федерациясидаги биржалар умумий капитализациясида 2021-2022 йилларда 76,0 фоиз улушдан ортиқни ташкил қилган. Бу эса ўз навбатида ушбу глобла фонд биржаларининг дунё корпоратив бошқаруви муносабатларидаги ўрни муҳим эканлигини англалади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

2022 Annual Statistics Guide / The World Federation of Exchanges (world-exchanges.org);

Муаллиф томонидан манба асосида тузилган: 2022 Annual Statistics Guide / The World Federation of Exchanges (world-exchanges.org)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ

Ж.А.Рахманкулов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг
Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиги*

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 3 декабрда «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-29-сон Фармони ҳамда «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва